

## ТУРЛИ ТОЛА ТАРКИБЛИ КЎЙЛАКБОП МАТОЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

**Хайдаров Улуғбек Панжиевич**

*ассистент*

*Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти*

**Исмоилова Сабида Исроиловна**

*доцент*

*Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти*

**Ортиқалиева Озодахон Фурқатжон кизи**

*талаба*

*Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада "OSBORN TEXTILE" ИП МЧЖ корхонасида тола таркиби турлича бўлган иплар олиниб, ШАРҚ ТЕКС ЛЮКС" МЧЖ корхонасида мато олиниб сифат кўрсаткичлари аниқланди.

**Калит сўзи:** Матоларнинг тузилишини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири зичлиги бўлса, иккинчиси уларнинг ўрилишидир.

## ИЗМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ РУБАШОЧНЫХ ТКАНЕЙ В РАЗЛИЧНОГО ВОЛОКНИСТОГО СОСТАВА

**Хайдаров Улуғбек Панжиевич**

*ассистент*

*Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности*

**Исмоилова Сабида Исроиловна**

*доцент*

*Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности*

**Ортиқалиева Озодахон Фурқатжон кизи**

*студент*

*Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности*

**Аннотация:** В данной статье определены показатели качества на предприятии ООО ИП «ОСБОРН ТЕКСТИЛЬ» путем взятия пряжи разного состава волокна, и на предприятии ООО «ШАРК ТЕКС ЛЮКС».

**Ключевые слова:** Одним из показателей, характеризующих структуру тканей, является их плотность, другим - их плетение.

# CHANGING THE TECHNOLOGICAL PROPERTIES OF SHIRT FABRICS IN DIFFERENT FIBROUS COMPOSITION

**Haydarov Ulug'bek Panjiyevich**

*assistant*

*Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

**Ismoilova Sabida Isroilovna**

*docent*

*Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

**Ortiqaliyeva Ozodakhon Furkatjon qizi**

*student*

*Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

**Abstract:** *This article defines the quality indicators at the enterprise LLC IP "OSBORN TEXTILE" by taking yarn of different fiber composition, and at the enterprise LLC "SHARK TEX LUX".*

**Keywords:** *One of the indicators characterizing the structure of fabrics is their density, the other is their weaving.*

Республика тўқимачилик саноати тармоқларига инвестицияларни йўналтириш учун иқтисодий тусдаги бир қанча омиллар мавжуд. Булар: асосий хом ашё ресурслари, юқори сифатли пахта толаси мавжудлиги; энергия ресурсларининг қиймати пастлиги; малакали нисбатан арзон меҳнат ресурслари; ривожланган коммуникация тармоқлари, банк хизматлари ва юридик хизматлар; тўқимачилик маҳсулотларини сотишнинг кенг кўламли, лекин амалда ўзлаштирилмаган бозоридир.

Шу билан бирга, республика раҳбарияти иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун кўрсатаётган ёрдам ва яратаётган алоҳида қулай шарт-шароит сабабли тармоқ хорижий инвесторларни ўзига жалб этмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалиги маҳсулотлари ва техника материалига бўлган эҳтиёжни ошириш учун, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш, янги илмий-техникавий янгиликларни тадбиқ этиш, тўқимачилик ва енгил саноат ишларидаги энг муҳим йуналишлардан бири ҳисобланади.

Матоларнинг технологик кўрсаткичларига уларнинг зичлиги киради. Матоларда танда ва арқоқ йўналиши бўйича зичлиги юқори бўлса, матолар калин бўлади, ишқаланишга чидамлилиги ва узилиш кучи юқори бўлади. Матоларда иплар сони қанчалик кам бўлса, бундай матолар енгил бўлиб, тикиш пайтида деталлари қийшайиб кетади.

Матоларнинг зичлиги мавсумга қараб ўзгариб боради. Кузги, қишки мавсумлар учун зичлиги юқори бўлади, ёзги ва баҳорги мавсумлар учун зичлиги пастроқ бўлади.

Матоларнинг тузилиши танда ва арқоқ ипларининг ўзаро ўрилиши ва алоқаси билан белгиланади. Матоларнинг ташқи кўриниши, хоссалари ва нимага ишлатилиши унинг тузилишига боғлиқ бўлади.

Матоларнинг тузилишини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири зичлиги бўлса, иккинчиси уларнинг ўрилишидир.

Матоларнинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги бир-биридан фарқ қилса бундай газламалар зичлиги нотекис мато, бир-бирига тенг бўлса, зичлиги бир текис мато ҳисобланади. Одатда матоларда танда бўйича зичлиги арқоқ бўйича зичлигига қараганда каттароқ бўлади. Лекин, баъзи матоларда аксинча ҳам бўлади.

Матоларни зичлик бўйича таққослаш учун максимал ва нисбий зичлик тушунчалари киритилган. Матоларнинг максимал зичлиги шундай шартли зичликки, унда барча ипларнинг диаметри бир хил ва улар бир-бирига бир текис тегиб туради деб қабул қилинган.

Нисбий зичлиги юқори бўлган матоларни тикиш қийин, чунки тикиш пайтида игна ипларни узиб юбориши мумкин. Бундай матоларни дазмоллаш қийин, чунки зичлиги ошиб кетса, газлама оғирлашади, қаттиқлашади. Шунинг билан бирга матоларда узилиш ва ишқаланишга чидамлиги ошади, ҳаво ўтказувчанлиги камаяди.

Нисбий зичлиги кичик бўлган матолар енгил бўлади, ҳаво ва буғни яхши ўтказади. Улардан тикилган буюмларнинг чоклари пухта бўлмайди. Бундай матолар ҳар томонга осонгина чўзилади, ҳамда бичиш ва тикиш пайтида қийшайиб кетади.


Шу сабабли, тола таркиби турлича бўлган кўйлақбоп матоларнинг технологик кўрсаткичлари тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари келтирилган.

Турли тола таркибли кўйлақбоп матоларнинг технологик кўрсаткичларининг ўзгариши

т/р	Тола таркиби	Ипнинг чизиқий зичлиги, teks		Зичлик, дона		Ўрилиши
		танда бўйича	арқоқ бўйича	танда бўйича	арқоқ бўйича	
1.	Танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 5% жун+65% лавсан+30% пахта	20,0	20,0	220	210	Полотно
2.	Танда ипига 100% пахта билан	20,0	20,8	240	220	Полотно

	арқоқ ипига 6% жун+17% лавсан+67% пахта					
3.	Танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 12% жун+10% лавсан+78% пахта	20,0	20,0	230	190	Полотно
4.	Танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 50% бамбук +50% полиамид тола	20,0	19,6	240	240	Полотно
5.	Танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 90% акрил +10% полиамид тола	20,0	19,6	234	250	Полотно
6.	Танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 40% акрил +60% бамбук тола	20,0	19,6	252	250	Полотно

Жадвалдаги синов натижалари асосида турли тола таркибли кўйлакбоп матоларнинг танда ва ароқоқ йўналиши бўйича зичлигининг ўзгариш гистограммаси 3.9-расмда келтирилди.



▨ - танда бўйича, ▤ - арқоқ бўйича.

3.9-расм. Кўйлакбоп матоларнинг танда ва ароқоқ йўналиши бўйича зичлигининг ўзгариши.

Синов натижаларини танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 5% жун+65% лавсан+30% пахта толали аралашмалардан олинган матоларнинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирсак, танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 6% жун+17% лавсан+67% пахта толали аралашмалардан олинган матоларнинг танда бўйича зичлиги 9,4% га, арқоқ бўйича зичлиги 5,6% га ошди, танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 12% жун+10% лавсан+78% пахта толали аралашмалардан олинган матоларнинг танда бўйича зичлиги

5,4% га ошди, арқоқ бўйича зичлиги 10,6% га камайди, танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 50% бамбук +50% полиамид толали аралашмалардан олинган матоларнинг танда бўйича зичлиги 9,4% га, арқоқ бўйича зичлиги 13,5% га ошди, танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 90% акрил +10% полиамид толали аралашмалардан олинган матоларнинг танда бўйича зичлиги 6,0% га, арқоқ бўйича зичлиги 16,0% га ошди, танда ипига 100% пахта билан арқоқ ипига 40% акрил +60% бамбук тола аралашмалардан олинган матоларнинг танда бўйича зичлиги 13,6% га, арқоқ бўйича зичлиги 16,0% га ошди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, тола таркиби турлича бўлган кўйлакбоп матоларнинг танда бўйича зичлиги 5,4% дан 9,4% гача, арқоқ бўйича зичлиги 5,6% дан 16,0% гача ошганлиги аниқланди.

### Адабиётлар рўйхати

1. Пономоренко Д.Н., Лыс Л.Х. и др. Исследования по определению оптимального соотношения степени очистки хлопкового волокна на хлопкозаводах и хлопкопрядильных фабриках с учетом сохранения прядильно-технологических свойств волокна. Отчет ЦНИИХпрома. Т.: 1975.
2. Ванчиков А.Н. Справочник по переработке химических волокон по хлопчатобумажной системе. Легкая индустрия, М., 1970.
3. Бурнашев Р.З., Очилов Т.А., Муратова Д.А., Волкова О.В. Кинетика изменения показателей массодлины хлопкового волокна в технологии прядении //Проблемы текстиля, №2, 2002, 30-32 с.
4. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
5. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.- «Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
6. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.- «Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
7. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
8. Ochilov Tulkin Ashurovich, Khalmatov Davronbek Abdalimovich, Shumqorova Shamsiya Pulatovna, Usanov Mustafaqul Maxmud ugli, Korabayev Sherzod Ahmadjanovich. Analysis of Quality Indicators of Mixed Spun Wool Yarns. Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 779 – 786.